

ҲАММА КУЧ ҒУЗА ПАРВАРИШИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 154 (4145).

6

АВГУСТ

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ—ШАРАФЛИ БУРЧ

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДАН

Аввал хабар қилинганидек, Оққўрғон районидида област қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига юбилей йилида пландагидан қариб 20 минг тонна кўп — 356 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотини, гўшт, сут, тухум, напонини кўп-лаб етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандайдан бажарилаётганини тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Кенгашда районларнинг партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, бўлим, участка ва бригада бошлиқла-

ририш учун август ойида 550 та трактор тўхтовсиз ишлаб турди. Шу давр ичида бир-икки марта култивация ўтказилди. Ғуза иссиқда тўймай туриб ҳосилини етиштиролмади. Янгийўл район колхозларида экиннинг ана шу талаби тўла ҳисобга олиниб, уларда қўлиб кетган ортиқча, ҳосилсиз ғузаларни юлиб ташлаб, шу йўл билан далаин шайдалатиб туриш ва тупроққа иссиқнинг яхши сиғиши таъминланмоқда.

Кенгашда Янгийўл район хўжаликларининг раҳбарлари галла ўрми-йиғимини ўтказишда ва давлатга дон етказиб беришда ҳамда айрим чорвачилик маҳсулотларини сотишда суст-кашлик қилаётганликларини учун жуда тўғри танқид остига олинди.

Оққўрғон районидида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба-хўжалигининг бош агрономи В. П. Бакулин сўзга чиқди. У хўжаликда қилинётган ишлар, мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ҳаракат, кўп ва арзон пахта етиштириш учун амалга оширилатган тадбирлар тўғрисида гапирди. Шу билан бирга ўртоқ Бакулин совхоз коллективини август ойида чинакашга меҳнат қилиб, пахтадан эрта етиштириш учун зарур бўлган ҳамма ишларини ўз вақтида бажариб деб кенгаш қатнашчиларини ишонтирди.

Шундан кейин Вексод районидида Ленин номи колхознинг участка бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қадрами А. Усмонов сўз олади.

Биз пахтакорлар, дейди у, ҳамма вақт ўз бурчимизни шараф билан бажариш учун курашамиз. Йил об-ҳаво жиҳатидан анча оғир келди. Ана шундай шароитда план бажарган, социалистик мажбуриятини ошириб адо этган пахтакоргина ҳақиқий пахтакор ҳисобланади. 1969 йил ана шу билан ҳаракатларни, ана шу йилда кўлга киритган ютуқларимиз улуғ дўхймизнинг 100 йиллик юбилейига совға бўлади. Участкамиз аъзолари ана шу мақсадда эрта кўнламадан бери тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар ва 443 гектар ернинг ҳар гектаридан бултурига қараганда кўпроқ ҳосил олишга, йиллик планни қисқа муддатда бажаришга қарор қилганлар.

Биз, деб давом этади А. Усмонов, август ойида ишни сира бўшаштирмаймиз. Ғузани айрим жойларда бир марта, баъзи далаalarda бир ярим марта култивация қиламиз.

Оққўрғон районидида «Ленин» колхозининг участка бошлиғи В. Назарова сўзга чиқиб, участка аъзоларининг шу кунлардаги меҳнатлари хусусида гапирди. У бошчилик қилаётган участка аъзолари 180 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар.

Участка далаларидаги ҳар туп ғузада ана шу мажбуриятни тўла қоплайдиган ҳосил шу кунларда ҳам бор. Аммо пахтакорлар бу билан қаноатланмай ҳосилга ҳосил қўйиш учун август ойида ғуза парваринини қизин давом эттирмиш демоқдалар.

Янгийўлдаги Ҳамроқул Турсунов номи колхоз раиси Эсар Жураевга сўз берилди. Ғузалиримизнинг бугунги аҳволи, дейди у, бизни сира қаноатлантирмади. Бу йил нам-гарчилик кўпайиб кетди, ғуза жуда гўллаб кетди. Пастки бириччи-иккинчи бўғинлардан чиққан шохларда ҳосил кам, айрим жойларда умуман йўқ.

ерлардаги ғуза қўйилган сувни яхши шимолмайди, лайканинг пасткида сув тўхтаб қолиши мумкин. Бунинг ҳисобга олиб, тепалик ерларини алоҳида, пастки қисмларини алоҳида сугориш йўли билан ғузалиримизни сувга қондириш учун курашмоқдамиз.

Дондор колхозининг тажриба раиси кенгаш қатнашчиларига шунини алоҳида ўқитишди, август ойида ҳаммаиш пахтанинг ичида бўлалик. Шундай қилинганда ҳосил олганга ғуза, битта-яримта. Ўт юлиб ташланади.

Дондор пахтакор, Социалистик Меҳнат Наҳрамони, Бўна районидида Тельман номи колхозининг бригада бошлиғи Ҳакинмов Қодировнинг сўзини кенгаш қатнашчилари зўр эътибор билан тингладилар. У бундай деди:

— Мен олтинчи икки ёшга тўлдим. Ўттиз олт йилдан бери пахта ичида ишлайман. Шу нарсани кузатиб келаманки, бирор йил ҳам об-ҳаво деҳқонга тўла қўлай келмаган. Баъзи йиллари куз эрта тушса, айрим йиллари баҳор инжиқлик қилади. Ленин бу йилгидек об-ҳавонинг оғир келганини кўрмаганман. Агар биз пахтакорлар об-ҳаво... ёмон келди, деб мўлжалдаги ҳосилни ололма-сак, пахтакорлигимиз қандайдир. Оғир юкин манзилга дидил, чарчаймай етказиб борган пахтакоргина чин пахтакор ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ғузалиримизнинг кўриниши жуда яхши. Аммо ҳосил олиши, уни етиштириш кўнгиллимизни ғаш қилиб турибди. Ҳозир ғузага иссиқлик керак. Биз унга иссиқликни ҳаводан олиб берамиз. Шу билан бирга тупроқнинг иссиқ, унумдор қилиб сақлаш биз деҳқонлар қўлида. Агар тупроқ иссиқ турмасе, ғузага кўп беролмайди. Олимларимиз айтганидек, ғуза қатор ораларини чуқур култивация қилиш, чинакаш сувдан кейин эмас, ундан олдин ўтказиш мўлжалдаги ҳосилни кўлга киритишда катта роль ўйнайди. Тақрибан, кенса пахтакорлар ғузага сув эмас, нам керак, дейдилар. Ғузани сувда эзгандан кўра, намни тупроққа синдириш катта фойда беради.

Юқори Чирчиқ районидида «Пралда» колхозининг раиси Иван Антонович Цой сўзга чиқиб, колхоз пахтакорлари бу йил пландан 30,5 центнер ўрнига 36 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётганликларини кенгаш қатнашчиларига билдиради. Колхоз пахтакорлари ана шу мақсадга эришиш учун августда июлдагидек меҳнат қилишга сўз берганлар.

Ўрта Чирчиқ районидида Оқунбобоев номи колхоз раиси М. Рўзиматов сўзга чиқди. У кенгашда айтилган гапларини,



СУРАТДА: кенгаш қатнашчиларидан бир гуруҳни ўзаро суҳбатлашмоқдалар. А. Абалаев фотолари.

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ МАВСУМГА ТАХТ

Ғуза ҳосилга ҳосил қўйилмоқда. Ўрта Чирчиқ районидида Оқунбобоев номи колхоз механизаторлари эса, пойтахт областида биринчи бўлиб пахта тарадиган машиналарини ремонт қилиб бўлганликларини тўғрисида рапорт бердилар. 37-та агрегат ремонт қилиб қўйилди.

Колхоз раиси, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор Миразиз Рўзиматов бундай дейди:

Пахта терим машиналарининг меҳмонини Турсунбой Аҳмедов раҳбарлигидаги ихти-сослаштирилган бригада техникасини йиғим-теримга тайёрлади. Бригада «ангори кема»лардан кейин тўсак узатган ва кўрак тарадиган машиналарнинг ремонтини қилди. Биз бу тех-

никани ҳам 20 августга тахт қилиб қўямиз.

Биз машина теримининг самарадорлигига алаҳидон ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун ҳам техникани шай қилиб қўйишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Юбилей йилида ҳосилнинг тўғриван уч қисмини машинада йиғиштириб олишга аҳд қилдик. Бу бултургидан анча кўпроқдир.

Колхоз правдасини техника, ремонтда Фаол қатнашган механизаторларини рағбатлантириш учун 15 минг сўм пул ажратди. Бу пулга мамлакатнинг энг яхши дам олиш уйлари, қизилқарни туристик маршрутларга путевка сотиб олинади.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАО КЕНГАШИ

Тошкентда 5 августда меҳнаткашларнинг гоийий-сиёсий тарбия-сини кучайтириш масаласи юзасидан КПСС Марказий Комитети томонидан тақрирланган республикаларо кенгаш очилди.

Кенгашда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Компартия л а р и Марказий Комитетларининг секретари ва Марказий Комитетлар томонидан ҳамда агитация бўлимининг мудири, шу республикаларо комсомол Марказий Комитетларининг секретари, област, шаҳар ва район партия комитетларининг секретари, пронагандистлар ҳамда лекторлар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, армия сиёсий ходимлари, Армия, Авиация ва Флотта қўмақлашувчи қўнгилли жамятлар республикада ва област комитетларининг вакиллари, шунингдек Тошкент шаҳар идеология активни қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

Яқинда Октябрь район партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг Тошкент област партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарорининг бажарилишининг бориши ва район партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдуразақов доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон трактор-йиғув заводи директори О. Новикий, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг партия комитети секретари К. Солиқов,

шаҳарларо телефон станцияси бошланғич партия ташкилотининг секретари Н. Шестива, 159-курлиш трести партия комитетининг секретари Т. Шоюсупов, Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари Д. Маджидарова ҳамда бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, партиявий-ташкилий ишларнинг самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси қарорин бажариш, бутун куч-қувватини КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини бажаришга сафарбар этиш юзасидан уларнинг фир ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Ҳакинмов ҚОДИРОВ — Бўна районидида Тельман номи колхозининг бригада бошлиғи.

— МУЛ ҲОСИЛ ОЛАМАН ДЕСАНГИЗ АВГУСТДА ЯНАДА ЗУР БЕРИНГ.

ри, мутахассислар қатнашдилар. Биринчи сўз Янгийўл район партия комитетининг секретари А. П. Алимовга берилди. У, район пахтакорлари юбилейга муносиб совға — она-Ватанга 70 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш йўлида қилаётган меҳнатлари тўғрисида батафсил гапирди.

Нотингнинг айтишига қараганда, 1967 йил худди шу вақтда ғузалада урғача олти-еттидан кўсам бўлган. Бу йил эса 3—3,5 таданга тўғри келгани. Бу алоҳида таъминли хол. Шунинг ҳисобга олиб, янгийўлликлар августда худди июлдагидек ишлай, ғузанинг ўсиши ва ривожланишидаги кечиниши қисқартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Хали районда ҳосил олиш мутлақо қаноатлантирмайдиган ғузала бор. Уларни ва барча майдондаги ғузалирини серҳосил қилиб ети-



Болахов НАЗАРОВА — Оққўрғон районидида «Ленин» колхозининг участка бошлиғи.

— ИШНИ СИРА БУШАШТИРМАЙМИЗ. ҒУЗА ПАРВАРИШИНИ СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.

Негаки, дастлабки берилган ўғитдан ғуза тез ўсиб кетиб, ана шундай аҳволга тушиб қолди. Бунинг учун нима қилиш керак? Бизнингча, пастки шохларда ҳосил кам экан, ўрта, юқори бўғинлардаги шохлар ҳосилни кўпайтириш, уни тезроқ етиштириш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун эгтарларнинг ўртасини чуқур култивация қилиб, ғузала тағила ҳамма вақт майин тупроқ бўлишини таъминлаш зарур. Бу билан ғузага кўпроқ иссиқлик келишини, йилдаларининг озун-кадан ва сувдан яхши фойдаланишини таъминлаган бўламиз.

Август ойида сувга айниқса аҳтиёт бўлиш керак. Ерларнинг тузилишига қараб сув бериш зарур. Бизнинг колхоз ерлари пастки-баланд. Ана шундай жойларда сугориниши ўтказиш жуда мураккаб. Тепалик

Абдурашор УСМОНОВ — Вексод районидида Ленин номи колхозининг участка бошлиғи.

— ИГИРМА-ИГИРМА БЕШ КҮН ГАЙРАТ КҮРСАТИБ МЕХНАТ ҚИЛАМИЗ. МУЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШАМИЗ.

сабабот, қозун-тарвуз етказиб беришга тайёрлов органлари мутлақо қонирарсиз ишлайётганликларини жуда тўғри таъкид қилиди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари М. Абдуразақов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўрибосари Г. А. Габриельянц ўртоқлар иштирок этдилар.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ X СЪЕЗДИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифи-га биноан, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катусев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Руминия Коммунистик партиясининг X съездида қатнашиш учун 5 августда Москвадан Букарестга учиб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзоси, Бедоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. А. Сурганов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. П. Шитиков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг Руминия Социалистик Республикасидаги элчиси А. В. Басовлар бор.

(ТАСС).



ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР:

- УЯЛАРДАГИ ҲОСИЛ ОЛМАГАН ҒУЗАЛАРНИ ТЕЗДА ЮЛИБ ТАШЛАЙЛИК.
- ҚАТОРЛАР ТУПРОҚИ ҲАММА ВАҚТ МАЙИН, ДОНАДОР БЎЛСИН, ҒУЗАГА СУВ ЭМАС, НАМ КЕРАК.
- ЧЕКАНКНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК.

ЯНГИЙЎЛ районидида Оқунбобоев номи колхозда ғуза чеканкеси тугалланай деб қолди. Бу ишда аёллар айниқса гайрат кўрсатишди. Суратда: ишчан колхозчилардан (чапдан ўнгга) Г. Олданазарова, Х. Шобуланова, О. Бахтиёрова, З. Расулова ва уларнинг чеканка қилаётганликларини кўриб туриб-сиз.

Н. Ключев фотоси,
(ЎзТАГ).

Ақмак ПУЛАТ.

ЯЛЛАМАНИНГ ҚИЗЛАРИ

ҚУШИҚ

Пахтакор қиз, дилнавоз, Меҳнатда баландпарвоз, Ақли расо, барно, соз, Ялламанин қизлари. Яллама ёр, яллола, Юзи қипқизил дола, Тили ширин қиз бола, Ялламанин қизлари. Богда булбул, гўрғай, Боканда юрак тўлғай, Ҳаёти бахтга тўлғай, Ялламанин қизлари.

Ҳар бири ишда илгор, Меҳнатда зўр филокор, Чехраси қулган баҳор, Ялламанин қизлари. Гулрамада тўртта қиз, Қоши қон-қора қуялдуз, Бир ой, бири юлдуз, Ялламанин қизлари. Ақлаб қўнғилин олган, Қалбига оташ солган, Лабидан асал томан, Ялламанин қизлари.

